
ФАРҒОНА ХАЛҚАРО АЭРОПОРТИ РЕКОНСТРУКЦИЯ МУНОСАБАТИ БИЛАН ВАҚТИНЧА ЁПИЛИШИ ҲАҚИДА ТАРҚАЛГАН ХАБАРЛАР ЮЗАСИДАН РАСМИЙ МАЪЛУМОТ

Ҳозирда Фарғона халқаро аэропортида Транспорт вазирлиги ҳузуридаги «Ўзаэронавигация» ДУК томонидан замонавий ускуналар - узоқ масофали DME/NL2700 радиомаяёқ ва SP-200 радионавигация ускунаси ўрнатилмоқда. Ушбу ишлар аэропорт фаолиятини тўхтатиш ва уни вақтинча ёпиш учун асос бўлмайди. Фарғона халқаро аэропорти одатий режимда ишламоқда.

Uzbekistan Airways томонидан Фарғонага рейсларни вақтинча ўзгартириш қарори, бу - авиакомпаниянинг ваколатидаги масаладир.

Фарғонага миллий авиаташувчидан ташқари Turkish Airlines, «Аэрофлот», «Азимут», Qanot Sharq, Centrum Air, Utair, Ural Airlines, S7, Silk Avia каби авиакомпаниялар ҳам парвозларни амалга оширмоқда. Ушбу авиакомпаниялар рейсларни кўчириш ҳақида ҳеч қандай маълумот бермаган.

Йўловчилар рейслар ҳақидаги долзарб маълумотларни uzairports.com расмий сайти, Telegram боти, шунингдек, +99855 501-45-55 телефон рақами орқали алоқа марказидан олишлари мумкин.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2023-12-06 10:41:11